

“Навоийуран” ДКнинг
2022 йил ~~20~~³⁰ майдачундаги
357-сонли буйругига 2-илова

**“Навоийуран” давлат корхонаси
одоб-ахлоқ комиссияси түғрисидаги
НИЗОМИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Навоийуран” давлат корхонасида одоб-ахлоқ комиссиялари (кейинги ўринларда - Комиссия) фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-харакатларини олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлик низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

3. Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, карор ва фармойишларига, Вазирлар Мақкамасининг қарорлари ва фармойишларига, “Навоийуран” давлат корхонаси ходимлар одоб-ахлоқининг қоидалари, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Комиссия, Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.

Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обру-эътиборга сазовор бўлган корхона ходимлари киритилади.

Комиссия таркиби корхона раҳбарининг буйруги билан тасдиқланади ва доимий равишда фаолият юритади.

Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.

2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш;

корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;

корхона ходимлари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-харакатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

корхона ходимларининг хатти-харакатларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;

корхона ходимларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлик масалаларни кўриб чиқиш;

корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари хақида корхона раҳбари ва меҳнат жамоасини хабардор қилиб бориш.

6. Комиссия ўз ваколатлари доирасида:

корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлик масалалар юзасидан хуносалар тайёрлайди;

корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлик масалаларни кўриб чиқиш жараённида зарур ахборотни сўраб олади;

3-боб. Мехнат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари

9. Корхона ходимлари хизмат фаолияти давомида қуидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат ва корхона шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содик бўлиш;

ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларини катъий ҳимоя қилиш;

ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

мехнат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

юкори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар ва корхона раҳбариятининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган карорлари ҳамда берилган топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

корхонада ишлаб чиқилаётган норматив-хукукий ва бошқа ҳужжатларга бирон бир шахс, гуруҳ ёки идоралар манфаати нуқтайи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

хар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

корхона ходимлари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа хукуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибига зид равища бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда бошқа ходимлар ва шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, ходимлар ва фуқаролар хукуклари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз меҳнат вазифаларини вижданан бажаришга тўскинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

давлат ва корхона сири, қонун билан қўриқланадиган ва иш фаолиятига оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равища фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидағи хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа ходимларга ва шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини мухокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

фуқаролар ва ҳамкасларининг шаъни ва қадр-кимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, ифво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

мехнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига катъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;

масъул шахслар ваколати доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда хамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

мехнат жамоасида ишчанлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

мехнат жамоасида ҳамкасларининг шаъни ва қадр-кимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

10. Раҳбар ходимлар қуидагиларга мажбур:

бўйсунувидаги ходимларга профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўrnak бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;

корхона ходимларини қонунга хилоф хатти-харакатларни амалга оширишга ундамаслик ҳамда улардан бундай харакатларни бажаришни талаб қиласлик;

кадрларни маҳаллийчилик, ург-аймокчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл кўймаслик;

жамоада гурухбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва кўллаб-куватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

корхона ходимларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;

корхона ходимлари томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

бўйсунувидаги корхона ходимларини хуқуқий ва ижтимоий жихатдан химоя қилиш чораларини кўриш;

ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига холис, адолатли ва қонуний ёндашиш.

11. Корхона раҳбарлари бўйсунувидаги ходимларга қўпол муомалада бўлиши, ҳакорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбеҳ бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

4-боб. Мехнат фаолиятидан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари

12. Корхона ходимлари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-харакатлардан ўзларини тийишлари шарт.

13. Корхона ходимлари ишдан ташқари вақтда қуидагиларга мажбур:

миллий урф-одат, кадрият ва анъаналарга хурмат билан муносабатда бўлиш;

дабдабозлик, шуҳратпарастлик, гурӯхбозлик, майшатбозлик, ичқиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари корхона фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий харакатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-харакатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний харакатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват этмаслик;

меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлик бўлган идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан қимматбаҳо совға олмаслик;

хизмат гувоҳномалари ва рухсатномаларини саклаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномаси ва рухсатномасини кўрсатиб, мавқенини суиистеъмол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл харакати қоидаларига қатъий риоя этиш;

ўзи фаолият юритаётган корхона, бўлинма номига доғ туширувчи хатти-харакатлардан тийилиш;

ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида саклаш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиласиган тарзда кийинмаслик.

5-боб. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари

14. Корхонанинг масъул ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, корхона фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак.

15. Корхона фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар корхона раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича корхонанинг масъул шахси томонидан амалга оширилади.

16. Куйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки корхона фаолиятига алоқадор бўлмаса;

оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат ёки корхона сирлари билан боғлиқ бўлса;

оммавий баёнот корхона ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишига йўналтирилган бўлса.

17. Корхона фаолиятида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан корхона фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган

тақдирда, корхона унга нисбатан билдирилган айблов ёки танкидга оммавий изоҳ ёхуд раддия бериши лозим.

18. Агар оммавий баёнотда фуқаролар ёки корхона ходимларининг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, корхона масъул ходимлари ўз фикрларининг янгилигиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, қадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига дахл қилинган фуқаро ёки ходимдан, агар қонун хужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.

6-боб. Мехнат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари

19. Корхона ходимларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг корхона фаолиятига хурматини ва нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.

20. Корхона ходимларининг ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вактида фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

7-боб. Манфаатлар тўқнашуви

21. Корхона ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вактида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

22. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вактида чоралар кўришга мажбур.

8-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

23. Корхона ходимларни хизмат вазифаларини бажариш билан боғлик таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-харакатлардан ҳимоя қилиш корхона раҳбари томонидан амалга оширилади.

24. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

9-боб. Корхона ходимларининг манфаатини қимоя қилиш

25. Корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат корхона Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилади.

26. Корхонада лавозимга тайинланган ходимлар мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

27. Мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви корхона раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан ўтказилади.

Хизмат текширувани ўтказиш тартиби корхона раҳбари томонидан белгиланади.

10-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик

28. Корхона ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини кўллаш учун асос бўлади.

29. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан корхона ходимларига куйидаги ахлоқий таъсир чоралари кўлланилади:
огоҳлантириш;

узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;
корхонанинг жамоавий йиғилишларида танбех бериш.

30. Одоб-ахлоқ комиссияси корхона ходимига нисбатан интизомий таъсир чорасини кўллаш учун корхона раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

Одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари корхона раҳбари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан тақлифларни юкори турувчи давлат органи ва ташкилот раҳбарига юборади.

31. Корхона ходимининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

11-боб. Якуний қоидалар

32. Ушбу Одоб ахлоқ-қоидалари амал қиласиган ички меъёрий ҳужжат бўлиб, корхона Бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилингунга ёки янги таҳрири тасдиқлангунга қадар амал киласди.

Куйидаги ҳолатларда қайта кўриб чиқилади ва ўзгартиришлар амалга оширилади:

Одоб-ахлоқ борасидаги мавжуд амалиётларни қайта кўриб чиқишга зарурат туғилгандан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки етакчи халқаро амалиёт ўзгаргандан;

Корхонанинг стратегияси ва мақсадлари ўзгаргандан;

самарасиз чора-тадбирлар ва амалиётлар аниклангандан ва уларни тақомиллаштиришга зарурат пайдо бўлгандан;

Корхонанинг ташкилий тузилмаси ёки фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ўзгаргандан ва х.к.

“Навоийуран” ДК бош директорининг
биринчи ўринбосари-бош мухандис

В.Ф.Назаров

“Навоийуран” ДК бош директорининг
иктисод ва молия бўйича ўринбосари

У.Б.Рузиев

“Навоийуран” ДК бош директорининг
ходимлар ва маъмурӣ масалалар бўйича
ўринбосари

А.И.Олтинов

“Навоийуран” ДК бош директорининг
тартибот бўйича ўринбосари

Ў.Х.Хўжаев

“Навоийуран” ДК бош директорининг
тижорат масалалари бўйича ўринбосари

Л.А.Хамидов

“Навоийуран” ДК бош директорининг
трансформация жараёнларини мувофиқлаш-
тириш бўйича ўринбосари - лойиха оғиси
раҳбари

Х.Т.Хайдаров

“Навоийуран” ДК бош директори
маслаҳатчиси

А.Б.Султанов

“Навоийуран” ДК Бошқармаси Мехнатни
ташкил этиш ва иш хаки бўлими бошлиги

О.Р.Усанов

“Навоийуран” ДК Бошқармаси Кадрлар
бўлими бошлиги

Ж.Ф.Шарипов

“Навоийуран” ДК Бошқармаси комплаенс
хизмати бошлиги в.б.

М.М.Санокулов

“Навоийуран” ДК Бошқармаси юридик
хизмати юрисконсульти

А.И.Мустафаев

“Навоийуран” ДКнинг
2022 йил ~~20 маюн~~ даги
357-сонли буйруғига 1-илова

**“Навоийуран” давлат корхонаси ходимларининг
ОДОБ-АХЛОҚИ ҚОИДАЛАРИ**

“Навоийуран” ДК
Навоий - 2022

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Навоийуран” давлат корхонаси ходимлари одоб-ахлоқининг қоидалари (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари) корхона ходимларининг касбий маданияти, иш фаолияти давомида ҳамда ишдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари иш фаолиятида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгига корхонага бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда корхона ходимларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-харакатларининг олдини олишга қаратилган.

2. Корхона ходимлари ўз касбий фаолиятини қуидаги принциплар асосида амалга ошириш шарт:

қонунийлик;

Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкландиган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;

ходимлар хукуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат ва жамият манфаатларига содиклик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва карши курашиш;

корхонадаги хизмат сирини қатъий сақлаш;

мансаб ваколатларини суистеъмол қиласлиларига кўймаслик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

3. Корхона ходимлари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқ-авторнинг қуидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

иш фаолиятининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-харакатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;

масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни қундалик шиорга айлантириш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига кўмаклашиш;

хушмуомилалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан ходимларда корхонага ва давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;

оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошка юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

ходимларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъий назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

корхонада ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

4. Корхона ходимлари ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қиласди.

5. Корхона раҳбарлари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя килиш мажбуриятига, ходимлар эса корхона раҳбарларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш хуқуқига эга.

6. Корхона ходимлари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда иш фаолиятидаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Корхона ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя килиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

2-боб. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари

7. Корхона ходимлари:

мехнат жамоасида ходимларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, ходимлар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

ходимларнинг хуқуклари ва қонуний манфаатларига даҳлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффофликни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, корхона фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоа ходимларининг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

корхона, корхона ходимларига ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат вазифаларини ходимларнинг, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини қўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

корхона мулкининг бут сақланишини таъминлаш, ўзига ишониб топширилган корхона мулкидан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

мехнат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиш;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

касб этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиши;

корхонада сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак;

8. Корхона ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шугулланишини талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашга йўл қўйилмайди.

кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Комиссия мажлислари га тегишли мутахассисларни жалб қиласди;

одоб-ахлоқ қоидалари га оид масалалар юзасидан корхона ходимлари га тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради;

зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чиқилган масалалар бўйича корхона ходими интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан корхона раҳбарига таклиф киритади.

7. Комиссия корхонанинг раҳбари, мансабдор шахслари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорлик қиласди.

8. Комиссия фаолиятини ташкил қилиш ва давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

9. Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Комиссия мажлислари очик тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпиқ мажлис ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

10. Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигида эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қилувчи ва Комиссия котиби томонидан имзоланади.

11. Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

12. Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзоларига ёзма равишда, қоида тариқасида, камида икки кун олдин хабар қиласди, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

13. Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қилинали. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Комиссиянинг қарорлари Комиссия раиси томонидан имзоланади.

14. Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил этади;

Комиссия мажлисларини чакиради ва ўтказади;

Комиссия аъзоларига топшириклар беради;

корхонанинг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан бўлган муносабатларда Комиссия номидан иш юритади;

Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади;

Ҳар йили корхона раҳбарига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

15. Комиссия котиби:

Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласди;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, корхона тегишли бўлимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вакт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қиласи;

Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдикланган баённомани тегишли мутахассисларга жўнатилишини таъминлайди.

16. Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;

қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, кабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

кўриб чиқилаётган масалага доир хужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

17. Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаганда Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши лозим.

18. Комиссия мажлисида кўрилаётган масалалар Комиссия раиси, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт.

4-боб. Корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш

19. Комиссия 6-сон Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда мунтазам равищда корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган қуидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:

корхона ходимларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш:

корхона ходимларини “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга карши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;

корхонада таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш:

корхона ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равищда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий тақомиллаштириш ишларини таъминлаш;

корхона ходимларининг иқтисодий билимларини, хуқукий саводхонлигини, хуқукий маданияти ва хуқукий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва хуқукий ўқишлошлар ташкил этиш;

янги ишга қабул қилинган ходимларни одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя килиш борасида улар билан профилактик сұхбатлар ташкил қилиш;

корхона ходимларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий

даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.

20. Комиссия корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида олиб боради.

21. Корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари Комиссия томонидан корхонанинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмалари кўмиталари билан биргаликда ташкил этади.

22. Корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлиги йил якунлари бўйича ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади.

5-боб. Корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби

23. Комиссия корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

корхона раҳбарининг топшириғига кўра;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан;

корхона ходимларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;

ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.

24. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва холисона қарор қабул килиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилаётган корхона ходими, зарур бўлган ҳолларда эса, мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равища хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

25. Комиссия мажлисида:

кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;

корхона раҳбарининг топшириғи ёки корхона ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган корхона ходими ва мурожаатчиларнинг тушунтиришлари эшитилади.

26. Корхона ўзининг хуқуқи, шаъни ва қадр-қимматига, ишчанлик обрўсига дахл қиласидаги мурожаат бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини химоя қилишга, Комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга хакли.

27. Мажлис якуни бўйича Комиссия корхона ходимининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиласиди.

28. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда Комиссия томонидан корхона ходимларига қуйидаги ахлоқий таъсир чоралари кўлланилади:

огоҳлантириш;

узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

корхонанинг жамоавий йиғилишларида танбех бериш.

29. Комиссия корхона ходимиға нисбатан интизомий таъсир чорасини кўллаш учун корхона раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

30. Комиссия томонидан қуидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

комиссияда олдин кўриб чиқилган мурожаат ва айнан шу мазмундаги тақрор мурожаатлар;

аноним мурожаатлар;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувоғик бўлмаган мурожаатлар.

31. Комиссия қабул қилинган қарор хақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган корхона ходимиға ва корхона раҳбарига ёзма равишда маълум қиласди.

32. Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари корхона раҳбари томонидан бузилган тақдирда унга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан тақлифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.

33. Комиссиянинг қарори устидан корхона раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

34. Корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши хақида мурожаат унинг ташаббускори томонидан Комиссия қарори қабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

35. Тарафлар ярашган, шунингдек корхона ходимлари ўз ҳоҳиши билан мурожаатчидан ошкора узр сўраган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари кўлланилмаслиги мумкин.

“Навоийуранд” давлат корхонасида одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил қилиш ва ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш
СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Ижро муддати |
|---|----------------------|---|---|
| I. Комиссия фаолиятини ташкил этиш | | | |
| 1-Босқич | Корхона раҳбари | <p>1.“Навоийуранд” давлат корхонасида Одоб-ахлоқ комиссияларини (кейинги ўринларда - Комиссия) Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат таркибда, умумий сони камида беш нафардан кам бўлмаган микдорда ток сонда шакллантириши.</p> <p>2. Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган ходимларни киритиш. 3. Комиссия таркибини тасдиқлаш.</p> <p>4. Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул килинадиган карорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.</p> | Икки хафта муддатда |
| 2-босқич | Комиссия раиси | <p>Комиссия ишини ташкил этади, комиссия мажлисларини чакиради ва ўтказади, мажлисга раислик қиласди.</p> <p>Комиссия номидан иш юритади, Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисида ахборот билан сўзга чиқади.</p> <p>Корхона раҳбарига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.</p> | Заруратга кўра |
| | Комиссия-нинг котиби | <p>Кун тартибига мувофиқ Комиссия ўтказилишини ташкил этади. Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳакида хабардор қиласди.</p> <p align="center">Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъмин-</p> | <p>Маълумотлар киритилган вақтдан бошлаб</p> <p>Ҳар йили йил якуни бўйича</p> |

| | | | |
|--|--|---|--|
| | | <p>лаш масалаларини хал килади, навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вактида тайёрланишини таъминлайди.</p> <p>Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва таасиқланган баённоманинг масъул шахсларга жўнатилишини таъминлайди.</p> | |
|--|--|---|--|

II. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишини олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш

| | | | |
|----------|---|--|--|
| 1-боскич | Комиссия Корхона таркибий бўлин- малари | <p>Комиссия мунтазам равища корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишининг олдини олишга қаратилган қуидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чоратадбирларни амалга оширади:</p> <p>корхона ходимларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий мухит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;</p> <p>корхона ходимларини “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгиға сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга карши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;</p> <p>корхонада таникли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳаси, шунингдек диний соҳанинг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил килиб бориш;</p> <p>корхонада ходимларнинг касбий ва бошкарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равища оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий ошириш ишларини таъминлаш;</p> <p>корхона ходимларининг иктисодий билимларини, хукуқий саводхонлигини, хукуқий маданияти ва хукуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини таъминлаш мақсадида иктисодий ва хукуқий ўқишлилар ташкил этиш;</p> | Комиссия томонидан таасиқланана- диган чораклик иш режалари асосида |
| | | | |

| | | | |
|----------|----------|---|--------------------------|
| | | <p>янги ишга қабул қилинган ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалариға қатъий риоя килиш борасида улар билан профилактик сұхбатлар ташкил қилиш;</p> <p>корхона ходимларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларға юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратып бериш.</p> | |
| 2-босқич | Комиссия | <p>Корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлыгини Комиссия ийғилишида муҳокама қиласы.</p> | Хар йили якунлари бўйича |

III. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши

| | | | |
|----------|-------------------------|---|--------------------------|
| 1-босқич | Комиссия | <p>Комиссия корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:</p> <p>Корхона раҳбарининг топширигига кўра;</p> <p>хукукни муҳофаза килувчи органларнинг мурожаатига асосан;</p> <p>корхона ходимларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;</p> <p>ўз ташаббуси билан куриб чиқади.</p> | Заруратга кўра |
| 2-босқич | Комиссия раиси аъзолари | <p>Комиссия мажлисида:</p> <p>кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;</p> <p>давлат органи ва корхона раҳбарининг топшириғи ёки корхона ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;</p> <p>одоб-ахлоқ қоидалариға риоя этмаганликда айбланаётган корхона ходими ва мурожаатчилар тушунтиришлари эшитилади.</p> | Мажлис ўтказиладиган кун |
| | Корхона ходими | <p>Ўзининг хукуки, шаъни ва қадр-кимматига, ишчанлик обўсига дахл қиласидан мурожаат бўйича амалдаги конун хужжатларига мувофиқ ўзини химоя қилишга, Комиссияга зарур</p> | |

| | | | |
|----------|----------------|--|--------------------------------|
| | | материаллар хамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли. | |
| 3-боскич | Комиссия , | <p>1. Мажлис якуни бўйича корхона ходимининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиласди.</p> <p>2. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда корхона ходимларига куйидаги ахлоқий таъсир чораларини кўллайди:</p> <p style="padding-left: 2em;">огоҳлантириш;</p> <p style="padding-left: 2em;">узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;</p> <p style="padding-left: 2em;">корхонанинг кенгайтирилган мажлисида танбех бериш.</p> <p>3. Корхона ходимига нисбатан интизомий таъсир чорасини кўллаш учун корхона раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.</p> <p>4. Қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат килувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган корхона ходимига ва корхона раҳбарига ёзма равишда маълум қиласди.</p> | Мажлис ўтказиладиган кун |
| 4-боскич | Комиссия | Одоб-ахлоқ қоидалари корхона раҳбари томонидан бузилган тақдирда унга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юкори турувчи давлат органи ва ташкилот раҳбарига юборади. | Заруратга кўра |
| 5-боскич | Корхона ходими | Комиссиянинг қарори устидан корхона (давлат органи ва ташкилоти) раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мумкин. | Заруратга кўра |


“Навоийуран” ДК бош директорининг
биринчи ўринбосари-бош муҳандис



(имзо)

В.Ф.Назаров


“Навоийуран” ДК бош директорининг
иқтисод ва молия бўйича ўринбосари



(имзо)

У.Б.Рузиев


“Навоийуран” ДК бош директорининг
ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича
ўринбосари



(имзо)

А.И.Олтинов

“Навоийуран” ДК бош директорининг
тартибот бўйича ўринбосари



2010.12
(имзо)

Ў.Х.Хўжаев


“Навоийуран” ДК бош директорининг
тижорат масалалари бўйича ўринбосари



(имзо)

Л.А.Хамидов

“Навоийуран” ДК бош директорининг
трансформация жараёнларини мувофиқлаш-
тириш бўйича ўринбосари - лойиха оғиси
раҳбари



(имзо)

Х.Т.Хайдаров


“Навоийуран” ДК бош директори
маслаҳатчиси



(имзо)

А.Б.Султанов


“Навоийуран” ДК Башкармаси Мехнатни
ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими бошлиги



(имзо)

О.Р.Усанов


“Навоийуран” ДК Башкармаси Кадрлар
бўлими бошлиги



(имзо)

Ж.Ф.Шарипов


“Навоийуран” ДК Башкармаси комплаенс
хизмати бошлиги в.б.



(имзо)

М.М.Санокулов

“Навоийуран” ДК Башкармаси юридик
хизмати юрисконсульти



(имзо)

А.И.Мустафаев

“Навоийуран” ДКНИНГ
2022 йил ~~06 сенбет~~ даги
357-сонли буйруғига З-илова

“Навоийуран” давлат корхонаси одоб-ахлоқ комиссияси ТАРКИБИ

А.И.Олтинов

- Баш директорнинг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринбосари, Комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

А.Б.Султанов

- Баш директор маслаҳатчиси

С.И.Нурназаров

- Мехнат муҳофазаси бўйича директор

М.М.Санокулов

- Башкарма Комплаенс хизмати бошлиғи в.б.

(лавозимига кўра)

- Башкарма Тартибот бўлими бошлиғи

Ж.Ф.Шарипов

- Башкарма Кадрлар бўлими бошлиғи

О.Р.Усанов

- Башкарма Мехнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими бошлиғи

О.Қ.Шаропов

- Башкарма Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига оид ишларни назорат килиш ва мувофиқлаштириш хизмати бошлиғи

Д.Н.Темиров

- 6-сонли Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси (*келишилган ҳолда*)

А.И.Мустафаев

- Башкарма Юридик хизмат юрисконсульти

Комиссия котиби:

Ф.Г.Нурманов

- Башкарма Кадрлар бўлими бошлиғи ўринбосари

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда ёки ишдан бўшаганда, унинг таркибига ушибу лавозимга янги тайинланган шахслар киритилади. Заруратга кўра комиссия раиси томонидан керакли мутахассислар жсалб қилинади.

ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлади.

5.4. Корхонанинг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар корхона масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, корхонадаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишга оид ички хужжатлар ва корхонанинг бошқа ички хужжатларига мувофик ўз вақтида ва холисона кўриб чиқлади.

5.5. Корхона ходимлари томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва корхонанинг ички хужжатларига мувофик жавобгарликка тортилиши мумкин.


VI боб. Якуний қоидалар

6.1. Мазкур Сиёсат куйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тўғирланиши мумкин:

Мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиши заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

Самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек корхона фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

Корхонанинг ташкилий тузилмаси ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва х.к.



210100, O'zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Navoiy shahar, Inspektorlar ko'chasi, 7-uy

2022-yil “2022-yil № 357

BUYRUQ

**“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги
595-сонли Қарори ижросини таъминлаш түғрисида”**

“Давлат фуқаролик хизмати түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли Қарори ижросини, “Навоийуран” ДК ходимларининг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги 595-сонли Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур Қарор билан Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари” ва “Одоб-ахлоқ комиссияси түғрисидаги намунавий низом” тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. “Навоийуран” давлат корхонаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” 1-иловага мувофиқ;

- “Навоийуран” давлат корхонаси одоб-ахлоқ комиссияси түғрисидаги Низом” 2-иловага мувофиқ;

- “Навоийуран” давлат корхонаси одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. “Навоийуран” давлат корхонаси бош директори маслаҳатчиси (А.Султанов), Бош директорнинг матбуот котиби – ахборот PR хизмати бошлиғи (З.Махмудов) Комплаенс хизмати бошлиғи в.б. (М.Саноқулов), Кадрлар бўлими бошлиғи (Ж.Шарипов) барча таркибий бўлинмалар раҳбарлари билан биргаликда мазкур Қарор мазмун-моҳиятини ишчи-ходимлар диккатига етказиш бўйича тегишли чораларни кўрсинг.

5. “Навоийуран” давлат корхонаси бош директори ўринbosарлари, директорлар, бош мутахассислар, бўлим, хизмат бошликлари ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари “Навоийуран” давлат корхонаси ходимларининг одоб-ахлоқ

қоидалари” ва “Навоийурен” давлат корхонаси одоб-ахлоқ комиссияси түғрисидаги Низом” мазмун-моҳиятини кўл остидаги барча ишчи-ходимларга таништиришни таъминласин.

6. Белгилаб кўйилсинки, корхона одоб-ахлоқ қоидалари талабларининг бузилиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ интизомий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

7. Ушбу буйруқ ижросини назорат килиш бош директорнинг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринбосари А.Олтинов ва Комплаенс хизмати бошлиги в.б. М.Саноқуловлар зиммасига юклатилсин.

Бош директор

Ж.Хасанов

“КЕЛИШИЛДИ”



6-сон Бирлашган касаба
юлидаси кўмитаси раиси

Д.Н.Темиров
2022 йил